

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 3 август, № 149 (6584) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


*Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири Тошкентда аккредитациядан ўтган дипломатия миссияларининг айрим раҳбарлари билан суҳбатда бўлди.*

*Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев ушбу муҳим сана муносабати билан ўз фикр-мулоҳазаларини ҳамда самимий тилакларини изҳор этди.*

Владимир ТЮРДЕНЕВ:

## «Мустақиллик куни — мамлакат фуқаролари бирлигининг ёрқин рамзи»

*— Владимир Львович, суҳбатимиз муҳим воқеа — Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида кечмоқда. Давлат ҳамда жамият қурилиши соҳасида юртимиз эришган муваффақиятлар юзасидан Сизнинг фикрларингизни билишни истардик.*

— Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўсувчанлиги, давлат ҳамда жамоатчилик тизимларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаган чуқур ислоҳотлар ўтказилди.

Маълумки, тараққиётнинг “ўзбек модели” моҳиятан кучли ижтимоий йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Мамлакатда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кекса авлод вакилларига ғамхўрлик кўрсатиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни алоҳида эътироф этиш жоиз. Ёшларга бениҳоя катта эътибор кўрсатилмоқда — болалар ҳамда қизлар ўз иқтидорларини намоён қилишлари ва сифатли таълим олишлари учун тобора кенг имкониятлар эшиклари очилмоқда. Соғлиқни сақлаш, спорт, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантириш юзасидан жиддий ишлар олиб борилаётир. Муносиб инфратузилма, замонавий спорт мажмуалари, тиббиёт муассасалари, барча шарт-шароитга эга бўлган дам олиш масканлари барпо этилгани диққатга сазовор.

Шубҳа йўқки, бу муваффақиятлар — меҳнаткашлиги, юксак маънавияти, аниқ мақсад сари интилувчанлиги ҳамда қийинчиликларни бартараф қилиш қобилияти билан ҳурмат ва ном қозонган ўзбек халқининг хизмати. Айнан ана шундай сифатлар давлат ҳамда жамият барқарор тараққиётининг гарови ҳисобланади.

*— Иқтисодий ривожланиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлайдиган ҳаракатлантирувчи куч нима деб ўйлайсиз?*

— Юртингизнинг иқтисодий ютуқлари танланган самарали стратегия — миллий иқтисодиётни тараққий топтиришнинг “ўзбек модели” билан боғлиқ. Кўп жиҳатдан мулкчилик шаклларини тубдан ўзгартириш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, корпоратив бошқарув тамойиллари ва ёндашувларини ўзгартириш бўйича тизимли чора-тадбирлар туфайли иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларига эришилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## Барқарор тараққиётимиз ва фаровон ҳаётимиз

### жойларда депутатлар иштирокида ўтказилаётган тадбирларда халқимиз томонидан алоҳида эътироф этилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг мустақиллигимизнинг 25 йиллиги олдидан кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказаётган учрашувларида мамлакатимизда ўтган даврда барча соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, эришилган ютуқлар, тараққиёт йўлимиз истиқболлари хусусида атрофлича фикр алмашилмоқда.

Чунончи, Хоразм вилоятида “Мустақиллик — нурли истиқболимизнинг, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам асоси” мавзуида ташкил этилган тадбирда депутатлар истиқлол йилларида юртимиз иқтисодиёти ҳамда унинг етакчи тармоқларида жадал ривожланишга эришилгани ҳақида сўз юритиб, бугунги кунда автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, машинасозлик, қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ҳамда тўқимачилик каби саноатнинг қатор жабҳалари изчил тараққий этаётганини таъкидладилар.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар натижасида мамлакатимизда ишбилармонлик муҳити кенг қарор топди. Уни янада яхшилаш борасида олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг ижобий ифодасини топаётгани эътиборга моликдир. Жумладан, Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш — 2015” рейтинги натижаларига кўра, юртимиз фақат бир йилнинг ўзида 16 поғона кўтарилди. Кичик бизнес субъектларига кредит бериш кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга чиқди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позиция яхшилади.

— Албатта, мазкур муваффақиятлар, ҳаётимиздаги бекиёс ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмаганини барчамиз яхши англаймиз, — дейди “Мини аккумулятор” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Арслон Қаландаров. — Мустақиллик ҳар биримизга орзуларимиз рўёбини кўриш, иқтидоримизни тўла-тўкис намоён этишга имкон берди. Депутатлар билан мулоқот чоғида шу ҳақда фикрлашиб, бугун, айниқса, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини янада эркинлаштириш борасида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятидан, кўрилаётган чора-тадбирларнинг аҳамиятидан яна бир карра хабардор бўлдик. Айни пайтда парламентда янги қонун лойиҳалари устида олиб борилаётган қизғин иш жараёни билан танишдик.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

*Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партиялар фракциялари ўртасида муҳокама этилаётган қонунлар лойиҳалари юзасидан ўзаро баҳс-мунозаралар қизғин тус олмоқда.*

## Демократик кучлар блоки

### янги қонун лойиҳаси юзасидан ўз позициясини белгилаб олди

Хусусан, парламентда кўпчиликни ташкил қилувчи Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси фракцияси ҳамда “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияларидан иборат Демократик кучлар блокининг йиғилишида айни пайтда қуйи палатада иккинчи ўқишга тайёрланаётган янги таҳрирдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган эди.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон флорасини 4600 дан зиёд ўсимлик турлари ташкил этиб, 3000 дан ортиғи ёввойи ҳолда ўсувчи олий наботот намуналари ҳисобланади ҳамда улардан 9 фоизи эндемик саналади. Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг 324 таси камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остидаги тур сифатида Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган. Улар мамлакатимиз умуммиллий бойлигидир. Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу яшил бойликни асраш ва сақлаб қолишга ҳар томонлама кўмаклашиш шарафли бурч ҳисобланади. Шу боис “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасининг муҳокамалари вақтида партиялар фракциялари ўртасида ғоялар, қарашлар, талқин ва таклифлар кураши қизғин кечмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ИФТИХОР

Мустақиллик ҳақида ўйлаганда, аввало, ўзликни англаш, моддий ва номоддий маданий меросни асраб-авайлаш, тарихий хотирани тиклаш борасида қилинган кенг кўламли ишлар кўз олдимиздан ўтади. Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий каби алломалар қадамжоларини обод ҳамда мўътабар зиёратгоҳларга айлантириш, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, шунингдек, миллат озодлиги йўлида курашган маърифатпарварлар шон-шавкатини улуғлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳар бир инсонни ҳайратга солади, қалбини фахр ва ифтихорга тўлдиради.

## Миллий ўзликни англаш Ватанга муҳаббатни юксалтиради

Кечагидек ёдимизда, Наврўз тақиқланиб, сумалак тўла қозонлар ағдариб ташланган. Чопон кийганлар таъқиб қилинган, диний китоблар ёқилган. Буям камлик қилгандек, “ўзбек иши” деган айблов билан “қама-қама” авж олган. Ота-бобосидан қолган удумнинг бошини тутган борки, “миллатчи” деб айбланган...

Юртбошимиз 1989 йил 23 июнь куни Ўзбекистон раҳбари сифатида фаолият бошлагач, бундай ишларга батамом чек қўйилди. Миллатнинг қаддини кўтариш, ҳимоясиз ҳамда камситилган халқнинг дардини эшитиш, дил ярасига малҳам қўйиш учун эл-улус қалбига қулоқ тутди. Пировардида шу хайрли ҳаракатлар кўнгилларда умид уйғотди. Шундан сўнг Наврўзни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш, тилимизга давлат тили мақоми бериш, топталган қадриятларимизни тиклаш каби долзарб масалалар илгари сурилди...

Ўша вақт қилинган саъй-ҳаракатларнинг кўлами улкан. Амалга оширилган бекиёс эзгу ишлар бугунги нурли ҳаётимизга йўл очди. Эндиликда барча-барча мамлакатимиздаги ободлик ва бунёдкорликка астойдил ҳавас билан қарамоқда. Давлатимиз раҳбари яқинда Сурхондарё вилоятига қилган сафарида таъкидлаганидек, халқимизнинг ҳалол-покизалиги, иймон-эътиқоди ҳамда яратувчанлик салоҳияти бунда муҳим ўрин тутади, албатта.

Президентимиз айтганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Шу маънода, миллий тарихимиз ҳамда анъаналаримизни ҳаққоний таҳлил ва тарғиб қилиш, аждодлар хотирасини эъзозлаш борасида қилинган ишлар ғоят серқирра ҳамда кўламлидир. Бу борада, айниқса, музейлар фаолияти алоҳида ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 12 январдаги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони тизимда катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Жумладан, халқимиз тарихини тўлақонли акс эттирувчи ноёб ашёларни тўплаш, уларни асл ҳолича сақлашни таъминлаш, мамлакатимизда шаклланган музейлар тизимини такомиллаштириш ҳамда жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шарт-шароит яратди.

1996 йилда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳри марказида Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилиши ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлди. Юртбошимиз ушбу масканнинг очилиш маросимида таъкидлаганидек, “Темурийлар тарихи давлат музейи Соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир. Айтиш мумкинки, Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир”.

Шунингдек, қисқа вақт ичида Олимпия шон-шуҳрати музейи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси, Қуролли Кучлар давлат музейи, Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музей, Алоқа тарихи музейи, Термиз археология музейи ташкил топиши мамлакатимиз маданий ҳаётида янги саҳифалар очди. Хивада Маъмун академияси тарихи музейи, Самарқандда Мирзо Улуғбек расадхона-музейи барпо этилди. Мазкур музейлар халқимиз ҳаётининг турли жабҳаларини қамраб олган бўлиб, бугун улар ёш авлод маънавий-маърифий тарбиясига хизмат қилиб келмоқда.

(Давоми 4-бетда).

## Ҳақиқий гулистонга айланаётган шаҳар




Гулистон шаҳрини ободонлаштириш ва ирригация тизимини реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти.



Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг йирик шаҳарлари бош режа асосида қайта қурилмоқда. Хусусан, айни кунларда Сирдарё вилояти маркази — Гулистонда ҳам аҳолининг турмуш маданиятини юксалтиришга қаратилган ана шундай улкан бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилаётир. Пировардида бир вақтлар “Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куяди”, дея таърифланган чўл бағридаги шаҳар ўз номига монанд кентга айланмоқда.

Бундай кенг кўламли ободонлаштириш ишларини кузата туриб, беихтиёр “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?!” деган саволнинг яна бир жавобини топгандек бўламиз. Бинобарин, собиқ тузум даврида фақат пахта ҳақида ўйлангану уни етиштирувчилар ҳаёти, турмуш шароити ҳеч кимни қизиқтирмаган. Чўлда ғўза парваришлаш учун тортилган каналлар ҳамда унинг таъсирида зах жойларда яшаб келган гулистонликлар ҳаёти бунга яққол мисолдир.

Айтиш жоизки, ҳозирги Гулистон кечагисидан тамомила фарқ қилади. Бу ердаги ўзгариш ва янгиланишлар Президентимизнинг шаҳарга 2015 йил 5 март кунидаги ташрифи билан бевосита боғлиқ. Давлатимиз раҳбари ўшанда ҳудуддан оқиб ўтувчи “Дўстлик” ҳамда “К-3” каналларининг ер ости сизот сувлари сатҳи кўтарилиши мелиоратив ҳолат ёмонлашишига олиб келаётгани, бу эса шаҳарга жиддий зиён етказаётганига эътибор қаратганди. Шу аснода нафақат мазкур масаланинг ижобий ечимини топиш, балки ҳудуд қиёфасини миллий ва замонавий архитектура анъаналаридан фойдаланган ҳолда, қайта қуриш юзасидан йўл-йўриқ кўрсатиб, зарур тавсиялар бердилар.

Кўп ўтмай, ирригация-мелиорация, ижтимоий инфратузилма объектларини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Юртбошимизнинг 2015 йил 9 мартдаги “2015 — 2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги фармойиши бунда дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.

(Давоми 2-бетда).





Маматкарим АБДУМЎМИНОВ олган суратлар.

### АВГУСТ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ЗАРБДОР ОЙИ

*“Халқ сўзи” газетасининг шу йил 2 август сонида “Август — ҳосилга ҳосил қўшиш зарбдор ойи” сарлавҳаси остида эълон қилинган мутахассис тавсиясини ўқиб чиқиб, мақола биз, пахтакор фермерлар учун муҳим қўлланма бўлибди, деган фикрга келдим. Чунки унда ғўза парваришидаги энг масъулиятли давр — август ойида бажариладиган муҳим агротехника тадбирларининг аҳамияти ва бу жараёнда нималарга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида батафсил маълумот берилган.*

## Асосий эътибор — сифатли парваришга



Дарҳақиқат, пахта ҳосили тақдири айни шу кунларда ҳал бўлади. Ҳозирги тиғиз меҳнат мавсумида экинни суғориш, культивация қилиш тадбирлари сифатли бажарилиб, зараркунанда ҳашаротлар ҳамда турли касалликларга қарши чора-тадбирлар кечиктирилмай кўрилса, мавжуд ҳосил элементлари тўлиқ сақланиб, бўлиқ кўсаклар сони кўпаяди. Ахир омилкор деҳқонлар бу пайтдаги экин ҳолатини бир коса сувга бежиз ўхшатишмайди-да. Чунки коса хиёл чайқалса, ундаги обиҳаёт тўкилганидек, ғўза парваришига озгина эътиборсизлик ҳам йил бўйи қилинган меҳнатнинг зое кетишига олиб келиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон фарзандлари ҳеч кимдан кам эмас

Шу йилнинг 23 июлидан 1 августига қадар Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида кимё фани бўйича ўтказилган 48-Бутунжаҳон олимпиадасида ёшларимиз битта кумуш, иккита бронза медални қўлга киритиб, Ўзбекистон фарзандлари билим ва заковатда ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир карра исботлашди. Кеча “Тошкент” халқаро аэропортида уларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

ФАХР

Тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, ўқитувчилар, ота-оналар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашган тадбирда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Нуфузли интеллектуал беллашувда Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчиси Сарвар Шоюнусов кумуш, Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Жаҳонгир Фахриев ҳамда Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Чарос Омонова бронза медални қўлга киритди. Яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, бу ёшлар жорий йилнинг май ойида Россияда кимё фани бўйича ташкил этилган 50-халқаро Менделеев олимпиадасида ҳам совриндор бўлишганди.

(Давоми 3-бетда).

# Ҳақиқий гулистонга айланаётган шаҳар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги пайтда Президентимизнинг 2015 йил 4 сентябрдаги “2015 — 2019 йиллар даврида ижтимоий, транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш билан комплекс ҳолда ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сизот сувлар сатҳини пасайтириш, Гулистон шаҳрини архитектуравий-режали қуришни тубдан янгилаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорига биноан, шаҳарнинг замонавий қиёфасига мос янги майдон ҳамда хиёбонлар барпо қилиш, йўл-транспорт инфратузилмасини тубдан такомиллаштириш тадбирлари янада кенг кўлам касб этган.

Қолаверса, тоза ичимлик суви, табиий газ, электр ва иссиқлик энергияси таъминоти, канализация, ирригация ҳамда телекоммуникация тармоқларини қуриш орқали муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини модернизациялаш, мавжуд уй-жойларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳисобидан уй-жой фондини қайта ташкил этиш ишлари ҳам муваффақиятли олиб борилмоқда. Бу жараёнда аҳоли, айниқса, ёшларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларнинг дам олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратишга хизмат қиладиган ижтимоий соҳа ҳамда бозор инфратузилмасини ривожлантириш масаласи ҳам диққат-эътиборда турибди. Зеро, юртимизда эртамиз эгаларининг жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб вояга етишига қаратилган ислоҳотлар давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

“Дўстлик” канали бўйи шаҳар ёшларининг энг севимли масканларидан бирига айланган, десак, муболаға бўлмайди. Чунки ўша давр ичида ер ости сизот сувлари сатҳини пасайтириш ҳамда ҳавза фильтрациясини камайтириш мақсадида унинг 3345 метрлик қисми бетонлаштирилди, ўнг ва чап қирғоқларида 5 километрлик назорат йўлаги қурилиб, тунги ёритиш чироқлари ҳамда темир панжара ўрнатиш ишлари якунланиб, кенг кўламда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Натижада бу жой энг сўлим ҳамда баҳаво гўшага айланди. Бошқача айтганда, “Дўстлик” илгари фақат пахта учун хизмат қилган бўлса, эндиликда у халқ фаровонлиги йўлида фойдаланилаётган канал сифатида тилга тушаяпти.

Бундан ташқари, “К-3” каналининг 2,5 километрлик қисми ҳам бетонлаштирилиб, узунлиги 3,6 километрга тенг бўлган очиқ коллекторлар ёпиқ горизонтал дренаж тармоғига айлантирилди. Шаҳар ва унинг атрофидаги 285,6 километрга тенг очиқ коллектор-дренаж тармоқлари иншоотлари эса тўлиқ қайтадан тикланди. Шунингдек, аҳоли яшаш пунктларидаги мавжуд 1,8 километрлик очиқ дренаж тармоқлари реконструкция қилиниб, ёпиқ горизонтал дренаж тармоғига айлантирилгани диққатга сазовордир.

Бунёдкорлик ишларига ҳамоҳанг равишда кўплаб саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Қолаверса, қатор янги ишлаб чиқариш мажмуалари, хорижий инвестиция иштирокидаги қўшма корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига асос солиниб, минглаб янги иш ўринлари яратилди. Бу шаҳар аҳолиси бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини кўпайтиришда қўшимча имкониятлар эшигини очмоқда.

Гулистон шаҳрини ривожлантиришда ер ости суви сатҳини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Негаки, сизот сувлари кўтарилган жойда бино қуриб бўлмайди, ҳатто дарахт ҳам тузукроқ ўсмайди. Собиқ тузум даврида чуқур ўйламай, ҳисоб-китобсиз режалаштириш оқибатида шаҳар айнан шундай ҳудудда ташкил этилган. У денгиз сатҳидан пастда, вилоятнинг бошқа жойларига нисбатан ҳам ботиқ ерда жойлашган. Энг ёмони, собиқ иттифоқ даврида каналнинг шаҳар ҳудудидан ўтувчи қисми бетонлаштирилмаган, унинг фильтрациясини тутиб қолувчи дренаж тармоқлари эса қурилмаган. Бу, ўз навбатида, ҳудуд ер ости сизот сувларининг сатҳи кўтарилишига олиб келган, ҳаттоки унинг айрим жойлари ботқоқликка айланганига нима дейсиз?! Айниқса, аҳоли турар жойлари, ертўла ҳамда томорқаларни сув босиб, одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

Маълумки, “Дўстлик” канали Сирдарёдаги “Фарҳод” гидроэлектр станциясининг ташлама каналидан сув олади. Унинг умумий узунлиги 117 километрга тенг бўлиб, шундан 68,6 километри мамлакатимиз, қолган қисми эса қўшни Қозоғистон Республикаси ҳудудидан ўтади. Каналга бириктирилган суғориладиган ер майдони 236 минг гектарни ташкил қилиб, унинг 100 минг гектари юртимизда жойлашган. Шу боис қишлоқ хўжалиги экинларини узлуксиз суғориш мақсадида иншоот бетонлаштирилган вақтда, аввал айланма канал қазилди. Сўнг “Дўстлик” каналининг суви тўхтатилиб, қолдиқ сувлар насос ёрдамида чиқариб ташланди. Шундан кейин энг малакали муҳандис ва қурувчилар, замонавий техникалар жалб этилиб, дастлаб канал туби металл конструкциялар билан мустаҳкамланди. Шағал тўкилиб, бетон ётқизилди. Фильтрацияни камайтириш учун эса плиталар орасига эни бир метрлик геомембрана ўрнатилди. Шу тариқа эни 50, чуқурлиги 8 метр бўлган каналнинг шаҳардан ўтадиган қисми тубдан қайта таъмирланди.

Ўтган давр мобайнида вилоятда ташкил қилинган, мелиорация ҳамда сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналари ва бошқа пудрат ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида “Ўзмелиомашлизинг” лизинг компанияси томонидан 35 та замонавий мелиоратив техника, жумладан, 15 та юқори унумли экскаватор, 2 та бульдозер, 18 та бошқа техника ҳамда механизмлар етказиб берилгани айни муддао бўлди. Натижада ирригация-мелиорация тадбирлари ўз вақтида сифатли бажарилди.

Қувонарлиси, вилоят марказида бошланган ободонлаштириш ишлари унинг бошқа ҳудудларига ҳам кўчмоқда. Устувор режага кўра, кейинги йилларда воҳа бўйича 3 минг 905 та замонавий уй-жой, Гулистон шаҳрида 97 кўп қаватли бино барпо этилиши, 1 минг 165 километр сув тармоқлари янгиланиб, реконструкция қилиниши, қарийб 400 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгилангани бунинг яққол далилидир.

Бундай кенг кўламли бунёдкорлик ишлари туфайли Сирдарё вилояти, хусусан, Гулистон шаҳри янада гўзал ҳамда обод масканга айланиши муқаррар. Зеро, Президентимизнинг таъкидлаганидек, асрлар давомида қақраб ётган Мирзачўлни ўзлаштириб, уни боғу бўстонга айлантиришда ўзининг нималарга, қандай улкан ишларга қодир эканини амалда намоён этаётган, меҳнаткаш, бир сўзли, бағрикенг Сирдарё эли ўз олдига қўйган улуғ мақсадларга, албатта, эришади.

**Баҳодир РЎЗИБОЕВ,**
**«UZGIP» масъулияти чекланган жамияти директори.**

# Барқарор тараққиётимиз ва фаровон ҳаётимиз

### жойларда депутатлар иштирокида ўтказилаётган тадбирларда халқимиз томонидан алоҳида эътироф этилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш билан бирга, Ватан тақдирига, юрт тараққиётига дахлдорлик ҳиссини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Қашқадарё вилоятида аграр соҳа вакиллари, маҳаллалар фаоллари, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, олимлар, талаба-ёшлар иштирокида ташкил этилган учрашувда истиқлол йилларида фермерлик ҳаракати қишлоқларимизнинг ривожланишида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч сифатида муҳим аҳамият касб этаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар фермерлик ҳаракатини равнақ топтириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ҳамда молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашда ҳуқуқий пойдевор бўлмоқда.

— Эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда деҳқон ва фермер хўжаликлари аграр соҳани ислоҳ қилишнинг асосий кучига айланди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Рустам Қобилов. — Ушбу кўрсаткич юртимизда фермерларни қўллаб-қувватлаш баробарида, уларнинг янада самарали иш юритиши учун қурилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасидир, десак, асло муболаға бўлмайди. Бинобарин, бугун фермер бўлиб, ўз оиласи, яқинлари, умуман айтганда, аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган юртдошларимиз меҳнати ҳар қанча таҳсинга сазовор. Чунончи, улар қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойларнинг ўзида қайта ишлаш, қадоқлаш, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаб, уларни ички ҳамда ташқи бозорга чиқариш ва қишлоқларда янги иш жойлари яратиш ҳамда шу орқали аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмушини яхшилашга катта улуш қўшмоқда. Бунга фермерлар билан мулоқот чоғида яна бир карра амин бўлдик.

Шунингдек, иштирокчиларга давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўз маҳсулотини қайта ишлаб, экспортни йўлга қўйиш ҳаракатида бўлган фермерлар учун янги қулайликлар яратаётгани айтиб ўтилди.

Сирдарё вилоятида хотин-қизлар қўмитаси аъзолари, тиббиёт муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, навқирон авлод вакиллари иштирокида ташкил этилган тадбирда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши, оналар ҳамда болалар соғлиғини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларга кенг урғу бериб ўтилди.

Парламент аъзолари Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши туфайли мамлакатимиз тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳамда бу борадаги ўзгаришлар халқаро миқёсда ҳам ўзининг юксак эътирофини топаётганини таъкидлади. Аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш ва микронутриент етишмаслиги ҳолатларининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар қатнашчилар диққат-эътиборида бўлди.

— Дарҳақиқат, истиқлол йилларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди, — дейди вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори Расул Каримов. — Тиббиёт соҳасидаги беқиёс ўзгаришлар, ҳаётга татбиқ этилаётган аниқ чора-тадбирларни айни чоғда одамларнинг саломатлик даражаси яхшиланган, оналар ва болалар ўлими бир неча баробар камайгани мисолида яққол кўриш мумкин. Депутатлар билан мулоқот чоғида тизимнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, уларни янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлардан хабардор бўлиш баробарида, ўзимизни қизиқтирган саволларга ҳам муфассал жавоб олдик.

Мулоқотда, шунингдек, “Соғлом она — соғлом бола” тамойилини ўзида ифода этувчи дастурлар асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётда изчил қўлланилаётгани, натижада скрининг ҳамда перинатал каби янги тиббий марказлар ва уларнинг вилоятлардаги филиаллари тиббиётимиз ривожида мустаҳкам ўрин эгаллаётгани хусусида фикр алмашилди.

Қисқача айтганда, парламент қуйи палатаси депутатларининг жойлардаги учрашувлари қизғин ҳамда самарали ўтмоқда. Энг муҳими, одамлар “Ким эдигу ким бўлдик?!” деган эзгу ғоянинг ҳаётий ифодасини бугунги дориламон кунлар самарасида кўраётгани эътироф этилаётир.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Демократик кучлар блоки

### янги қонун лойиҳаси юзасидан ўз позициясини белгилаб олди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Янги таҳрирдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида миллий қонунчилигимизнинг ҳозирги кундаги ривожланиши ҳамда халқаро шартномаларнинг қоидаларини инобатга олган ҳолда, янги ҳуқуқий нормаларнинг киритилаётганлиги, шунингдек, ботаника ва дендрология боғларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи, ўсимлик дунёсини муҳофаза этиш ҳамда ундан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга оширишга жамоатчиликни кенг жалб қилиш ва фаоллигини кучайтиришга йўналтирилган нормаларнинг мустаҳкамланаётганлиги Демократик кучлар блоки аъзолари томонидан алоҳида эътироф этилди.

Йиғилишда Демократик кучлар блоки вакиллари томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан масъул қўмитага тақдим қилинган таклиф ҳамда фикр-мулоҳазалар қонун лойиҳасини маромига етказиш ва уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида инобатга олингани таъкидланди. Хусусан, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда ундан оқилона фойдаланишни таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг фаол иштирокини таъминловчи нормалар белгилангани, ўсимлик дунёси умуммиллий бойлигимиз эканлигини инобатга олиб, дарахт ҳамда буталарни кесишга оид нормаларни янада такомиллаштириш, ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш шартлари, алоҳида тоифадаги ерларнинг ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш қоидалари қайта кўриб чиқилгани айтиб ўтилди.



Шу ўринда Блок вакиллари мухолифат фракциялар аъзолари томонидан қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган айрим таклифларга қўшилмасликларини баён этишди. Жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоларининг ўсимлик дунёси объектлари ҳамда улардан фойдаланиш ҳажмларини давлат томонидан ҳисобга олиш, ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастрини юритиш ишлари фақатгина Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши зарур, деган, шунингдек, мазкур қонун лойиҳасида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг моддий-техника базасини ва табиатдан фойдаланувчилар фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи ходимларни зарур жиҳоз ҳамда ускуналар билан таъминлашни кучайтиришни назарда тутиш, ўсимлик дунёсини муҳофаза этиш ва ундан самарали фойдаланишни рағбатлантириш масалаларига оид нормаларни чиқариб ташлаш каби таклифларини қабул қилиб бўлмаслигини таъкидлашди.

Шу билан бирга, “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг камёб ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимлик турларини, уларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга рухсатномалар беришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг хулосалари ҳам инобатга олинишини назарда тутиш лозимлиги ҳақидаги ҳамда бошқа таклифлари ўринсиз эканлиги таъкидланди. Чунки мамлакатимизда қайси соҳада бўлмасин, рухсатномалар бериш тартибини соддалаштириш ва уни ўта марказлаштиришга йўл қўймаслик сиёсати амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, бу ишларга Фанлар академияси олимлари, яъни соҳа мутахассисларининг хулосаси асосида ваколатли орган — Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилган рухсатнома асосида йўл қўйилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг руҳига тўла мос ҳамда муаммонинг энг мақбул ечими эканлиги қайд этилди.

Блок аъзоларининг фикрича, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши миллий қонунчилигимизни экология, табиатни муҳофаза этиш ҳамда табиатдан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига мувофиқлаштириш орқали биологик хилмахилликнинг таркибий қисми бўлган флорани, унинг генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, барча фуқароларимизнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби конституциявий мажбуриятларини тўлақонли бажаришлари учун ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришга замин яратади.

Йиғилиш якунида Демократик кучлар блокининг позицияси ишлаб чиқилди ва масъул қўмитага қонун лойиҳасини маромига етказиш бўйича тавсиялар бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Владимир ТЮРДЕНЕВ:

# «Мустақиллик куни — мамлакат фуқаролари бирлигининг ёрқин рамзи»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республикада саноатни модернизациялаш ишлари изчил олиб борилаётгани, мулкдорлар ҳамда хусусий тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини кафолатлаш ва муҳофаза этишни кучайтириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламининг қабул қилингани, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш соддалаштирилгани ҳамда енгиллаштирилгани иқтисодиётга жалб этилаётган сармоялар ҳажми оширилишини таъминламоқда.

Мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва чорвачилик ҳамда маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш изчил ривожланиб бораётир. Аҳоли даромадларини кўпайтириш ва одамларнинг ҳаёт даражаси ҳамда сифатини юксалтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарорлигида муҳим ўрин тутади.

Шуни айтишни истардимки, Россия — Ўзбекистон савдо-иқтисодий алоқалари изчил ривожланиб бормоқда ҳамда яхши истиқболларга эга. Иқтисодий ҳамкорлик, ҳеч муболағасиз, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг асосий қирраларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳамон Россиянинг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари орасидаги асосий савдо шерикларидан биридир. Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг қарийб 18 фоизи бизнинг мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келади. Россия Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан ҳисобланади. Сўнгги йилларда Россия компаниялари томонидан ўзбек иқтисодиётига 6 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорда сармоя киритилди. Республикада Россия иштирокидаги салкам 900 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда, Россияда эса ўзбек капитали асосида 500 дан зиёд корхона тузилган.

*— Анъанага кўра, Ўзбекистонда ҳар бир йил муайян ижтимоий йўналишга бағишланади. Жорий йилда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шу ўринда ушбу дастур ҳамда республикада ижтимоий соҳанинг ривожланиши тўғрисидаги фикрларингизни билдирсангиз.*

— Ўтган йили мамлакатда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури амалга оширилди, 2016 йили эса Президент Ислом Каримов ташаббуси билан “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бу ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг ҳаққоний ҳамда мантиқий давоми бўлди. Аёллар ва болалар саломатлиги муҳофазаси, жисмонан ҳамда маънан соғлом авлод тарбияси ушбу сиёсатдаги устуворлик ҳисобланади.

Жумладан, бу йўналишда муваффақиятларга эришиш учун оила, оналик ва болалик муҳофазасига оид қонунчилик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий заминни мустаҳкамлаш, зарур ижтимоий, маиший ва тиббий шароитларни яратиш бўйича ишларни изчил давом эттириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, жисмоний тарбия ҳамда спортни оммалаштириш, таълим тизимининг ролини кучайтириш устувор вазифа этиб белгиланди.

2016 йил юртингизда “Соғлом она ва бола йили” деб номланиши Ўзбекистон раҳбариятининг гуллаб-яшнайдиган давлатни барпо қилиш йўлида янги марраларга эришишга бўлган қатъий содиқлигидан далолат берадики, бунда соғлом авлоднинг ўрни алоҳидадир. Оналик муҳофазаси ҳар қандай мамлакат учун муҳимдир, чунки соғлом бола — кучли давлат ҳамда миллат келажагининг асоси.

*— Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қилади. Миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича “ўзбек модели”нинг ноёблигини бугун дунё жамоатчилиги юксак эътироф этмоқда. Элчи жаноблари, бизни ўзбек жамиятида ҳукм сураётган толерантлик муҳити борасидаги фикрларингиз ҳам жуда қизиқтиради.*

— Толерантлик Ўзбекистонда ўзининг кўп асрлик илдизларига эга. Айнан шу заминда турли-туман миллатлар, динлар ҳамда анъаналар ўзаро яқин ҳамкорликда, ёнма-ён ҳаёт кечирган. Турли цивилизациялар бир-бирига қўшни бўлган, дунё маданиятлари бир-бирини глобал бойитиш жараёнлари рўй бергани тарихдан маълум.

Мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон барқарорликни, миллатлараро ва динлараро тинчлик муҳитини сақлаб қолди. 130 дан зиёд миллат ҳамда элатлар, 16 диний конфессия вакиллари истиқомат қиладиган, Марказий Осиёдаги аҳолиси энг кўп мамлакатда ҳамжиҳатлик ва толерантлик муҳитининг қўллаб-қувватланиши бўйича яратилган ўзбек тажрибаси дунёда ноёб ҳисобланади. Бу, шубҳасиз, мазкур масалага катта эътибор қаратаётган ҳамда самарали ижтимоий сиёсат юритаётган республика раҳбариятининг хизматидир.

Шуни таъкидлаш зарурки, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик ўзбек халқи феъл-атворидаги фазилат, кўп асрлик яхши қўшничилик ҳамда меҳмондўстлик анъаналарининг инъикоси ҳисобланади. Бу, айниқса, Иккинчи жаҳон урушида эвакуация қилинган 1,5 миллион нафар одамни Ўзбекистон ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилганида яққол намоён бўлган эди. Улар орасида қамалдаги Ленинград, Беларусь, Польша ва Украинадан олиб келинган қарийб 300 минг нафар етим бола бор эди.

*— Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти...*

— Мамлакатимиз XXI асрда давлатлараро ҳамкорлик фақат халқаро ҳуқуқ ҳамда БМТнинг марказий мувофиқлаштириш роли асосида, том маънодаги тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирининг манфаатлари ўзаро ҳисобга олинган ҳолда қурилиши мумкин, деб билади.

Россия Федерацияси иттифоқчимиз ҳамда стратегик шеригимиз — суверен Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик мустаҳкамланишига катта аҳамият қаратади. Конструктив сиёсий мулоқот амалга оширилаяпти, иқтисодий алоқалар мустаҳкамланаётир, гуманитар ҳамкорлик кўламлари кенгаймоқда.

*— Шу ўринда, давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларингизни ўртоқлашсангиз.*

— Биз Россия — Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик борасида ажралиб турадиган бир-бирини тўғри тушуниш ҳамда ўзаро ишончнинг юқори даражасини қадрлаймиз. Мамлакатларимиз бир-бирининг барқарор ривожланиши ва гуллаб-яшнашидан, минтақа ҳамда халқаро майдондаги нуфузининг ошиши ва ўрнининг мустаҳкамланишидан манфаатдордир.

Россия ҳамда Ўзбекистон халқаро минбарларда, биринчи навбатда, БМТ, МДҲ ва ШҲТ доирасида мазкур ташкилотлар ваколатига алоқадор бўлган кенг қамровли масалаларда ўзаро фикр алмашиш бўйича муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда.

Давлатларимиз етакчилари — Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўртасидаги мунтазам мулоқот икки томонлама ҳамкорлик ривожида катта роль ўйнайди. Мамлакатингиз раҳбарининг жорий йил 25-26 апрель кунлари Россияга ташрифи чоғида қатор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш, жумладан, савдо-иқтисодий хавфсизлик, маданият ва спорт соҳаларидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўллари белгилаб олинди.

Ҳукуматлараро комиссия Россия — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг муҳим механизми ҳисобланади. Унинг навбатдаги ўн еттинчи йиғилиши жорий йил 24-25 март кунлари Москвада бўлиб ўтди.

Изчил мустаҳкамланиб бораётган Россия — Ўзбекистон муносабатларининг асосини мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги асрий дўстлик ҳамда ўзаро кўмаклашиш анъаналари ташкил этади. Ишончим комилки, улар бундан кейин ҳам шитоб билан ривожланиб бораверади.

*— Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига тилакларингиз.*

— Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ўзбекистонликларни мамлакат барча фуқароси миллий бирлигининг ёрқин рамзи бўлган Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни байрами билан чин қалбимдан табриклайман!

Мустаҳкам сиҳат-саломатлик, эзгулик, омонлик ва фаровонлик ҳамда тинчликка хизмат қиладиган барча эзгу ниятларнинг рўёбга чиқишини тилайман. Ҳар бир оилада осойишталик, фаровонлик ва қут-барака ҳукмрон бўлсин!

**«Жаҳон» АА.**

# Асосий эътибор — сифатли парваришга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, фермер хўжалигимизда ғўза парваришини рисоладагидек олиб бораяпмиз. Чунки ғўза август ойида кун санайди. Бу паллада деҳқон унга мадад бериб, меҳр кўрсатиши лозим. Яъни энг аввало, техника кучидан самарали фойдаланиш, культивацияни тез-тез ўтказиш зарур.

Экин қатор оралари қанча кўп юмшатилса, шунча яхши. “Битта кесак — битта кўсак” деган нақлдан ҳам маълумки, бир кесакка барҳам бериш билан битта қўшимча кўсак ҳосил қилиш мумкин. Нега деганда, сифатли бажарилган культивациядан сўнг тупроқнинг ҳаво ўтказувчанлиги яхшиланади. Натижада ғўза ривожи тезлашиб, ҳосилга ҳосил қўшилади.

Ушбу агротехника тадбирини олиб бориш чоғида тракторларнинг ишчи қисмлари “балиқ сирти” қилиб ўралиб, ғилдираклар олди суйри этиб ҳимояланган бўлиши шарт. Йўқса, ҳосил шохлари ва кўсакларга зарар етиши ҳеч гап эмас.

Кузги шудгордан аввал ҳар гектар ерга ўртача 40 тоннадан маҳаллий ўғит киритишнинг аҳамияти жуда катта. Бунинг самараси айни августда, ҳосилга ҳосил қўшиш пайтида кўринади. Бу даврда тупроқ таркиби фойдали минерал моддаларга қанча бой бўлса, шунча яхши. Маҳаллий ўғитга қондирилган майдонларда намлик ҳам бир меъёрда сақланади. Ниҳоллар ташқи таъсирларга бардошли бўлиб ўсади. Шу боис ҳам биз экинни суғоришда “шарбат” усулидан фойдаланаяпмиз. Шу каби изчил чора-тадбирлар туфайли ўтган йиллар давомида 20 гектар ҳосилдорлиги паст, шўрхок ернинг унумдорлигини оширишга муваффақ бўлдик.

Умуман олганда, ҳар йили ғўза майдонларининг гектаридан ўртача 40 центнердан ҳосил олаяпмиз. Даромадимизга даромад қўшилмоқда. Янги техника харид қилаяпмиз. Хўжалигимиз аъзоларининг турмуши янада фаровонлашмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, ҳукуматимиз биз, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётир. Чунончи, жорий мавсумда қўшимча тарзда минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ажратилди. Сув таъминоти жойида. Биз, фермерлардан ягона талаб эса ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ҳосилга ҳосил қўшишдир. Токи, мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллиги нишонланаётган йилда мўл ва сифатли пахта етиштириб, давлатимизнинг иқтисодий қудратини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшайлик.

**Обида БОБОМУРОДОВА,**
**Ғиждувон туманидаги «Достонбек» фермер хўжалиги раҳбари.**

# Муқобил энергия воситасида ёритилади

Пойтахтимиздаги Пушкин хиёбонида ёритиш чироқлари қуёш батареяларидан қувват олувчи светодиодлар билан жиҳозланди. Мазкур экологик акция Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилаётган “Ўзбекистон Республикасида экологик ташаббусларни амалга оширишга кўмаклашиш” лойиҳаси доирасида ўтказилди.

**ТАДБИР**

Шу муносабат билан ташкил қилинган тадбирда таъкидланганидек, юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ҳамда уни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада кенг имкониятлар яратди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонимизнинг деярли барча ҳудудида ноанъанавий энергия ресурслари, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланиш учун қулай шароит мавжуд. Табиат ато этган беназир бу туҳфани ўз ўрнида ишлатиш мақсадида турли қувватлардаги фотоэлектр станциялари, сув иситиш қурилмаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилаяпти. Ўтган йили Поп туманида қуввати 130 кВт.га тенг қуёш фотоэлектр станцияси тест режимида ишга туширилган бўлса, айни пайтда Самарқанд вилоятида Марказий Осиёдаги энг йирик қуёш станциясини қуришга киришиш арафасида турилгани бунинг яққол далилидир.

Мазкур йўналишда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфидаги “Эко-энергия” илмий-татбиқий маркази томонидан муайян тадбирлар амалга оширилаяпти. Гап шундаки, марказ жамоаси мустақиллигимизнинг 25 йиллиги нишонланадиган жорий йилда ижтимоий-иқтисодий соҳа объектлари, кўча ва хиёбонларга 400 та қуёш фотоэлектр станциясини ўрнатишни мақсад қилган. 37 та таълим муассасаси, 74 та қишлоқ врачлик пункти, 294 та ишлаб чиқариш корхонаси шулар жумласидан бўлиб, бугунги кунга қадар улар 200 га яқин қуёш батареялари билан таъминланди.

“Эко-энергия” илмий-татбиқий маркази Тошкент шаҳридаги марказий кўчаларда қуёш энергияси асосида ёритишнинг намунавий ускуналарини жорий этишда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Пушкин хиёбонида бажарилган ишлар бунинг дебочаси бўлди, дейиш мумкин.

Бу каби экологик лойиҳалар углеводород хом ашёларини тежаш, электр ҳамда иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш суръатини ошириш, аҳоли ва саноат тармоқларининг унга ортиб бораётган эҳтиёжини узлуксиз таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, албатта.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

**ДИЛ СЎЗИ**

Дунёнинг етакчи автомобилсозлик корхоналаридан қолишмайдиган, истиқболи порлоқ “Хоразм авто” заводи — бизнинг фахримиз, ғуруримиз! Ахир глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири сақланиб турган, ривожланган бир қанча давлатларда саноат корхоналари ёпилаётган ҳозирги мураккаб шароитда Хоразмнинг энг чекка — Питнак шаҳрида ана шундай йирик заводнинг гуруллаб ишлаб тургани мамлакатимизнинг барқарор тараққиётидан далолатдир!

# Ғуруримиз ифодаси

Автомобилсозликда тизимли ишлаб чиқаришнинг шарофати шундаки, конвейерда эҳтиёт қисм ва бутловчи буюмлардан тортиб, двигателгача тайёрлаш ўзлаштирилди. Бу эса енгил ҳамда юк автомобиллари ишлаб чиқариш салоҳияти йил сайин ошишига хизмат қилмоқда. Мисол учун, энг илғор техника ва технологиялар билан жиҳозланган “GM Uzbekistan” заводининг Хоразм вилояти филиалида замонавий дизайн, техник жиҳатдан халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, жаҳоннинг энг олди машиналари сафида турувчи “Дамас”, “Орландо”, “Лабо” русумидаги автомобиллар ишлаб чиқарилаяпти. Бу мамлакатимиздаги автомобиль тайёрланадиган тўртинчи саноат ҳудуди ҳисобланади.

Айниқса, корхонадаги 1500 нафар ишчи-ходимнинг 85 фоизи ёшлар, шу жумладан, 300 нафари коллеж битирувчиси эканлиги, уларнинг инглиз ва корейс тилларида бемалол мулоқот қила олишларини айтмайсизми?! Буларнинг барчаси истиқлол инъомидир.

**Зокиржон МАТКАРИМОВ,**
**«GM Uzbekistan» корхонаси Хоразм вилояти филиали сифат бўлинмаси бошлиғи.**

**АНЖУМАН**

Фарғонада мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган тарғибот тадбирлари давом этмоқда.

# Янгиланишлар эътирофи

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил қилинган учрашувларда таниқли санъаткорлар, шоиру ёзувчилар, олимлар, иқтидорли ўғил-қизлар қатнашди. Акция доирасида навқирон авлодни юртга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни турли салбий ғоялар, зарарли иллатлар таъсиридан ишончли ҳимоя қилишга йўналтирилган мулоқотлар бўлиб ўтди. Уларда Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг комил инсонлар бўлиб вояга етиши йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Тарғибот гуруҳи аъзолари юртимизда истиқлолгача бўлган давр ҳамда мустақиллик йилларида юз бераётган улкан ўзгаришлар хусусида сўз юритдилар. Ҳар бир таълим муассасасида ҳудудлар тараққиётини акс эттирувчи суратлар кўргазмаси уюштирилди. Тадбирлар чоғида ўқувчиларнинг фан, спорт, ахборот технологиялари каби турли соҳаларда қўлга киритаётган муваффақиятлари ўз эътирофини топди.

Анжуман доирасида “Кеча ва бугун”, “Ибратли йўл” фотокўргазмалари, республикамиздаги тинчлик-тотувлик, барча соҳада юз бераётган ўзгаришу янгиланишлар тасвирланган фильмлар ҳам намойиш қилинди.

— Ушбу байрамолди учрашувлари аҳолининг барча қатламини ҳамжиҳатликка чорлади, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Меҳриддин Раҳматов. — Самимий мулоқотларда бугунги дориламон кунларимиз ҳақида дилдан суҳбатлашдик. Зеро, ҳар биримиз шу азиз Ватанимиз келажаги учун масъулмиз. Ўз меҳнатимиз, изланишларимиз билан мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш — фарзандлик бурчимиз.

**Элёржон ЭҲСОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон фарзандлари ҳеч кимдан кам эмас



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— 48-Бутунжаҳон олимпиадасида 75 давлатдан уч юздан ортиқ ўқувчи қатнашди, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи директори Ортиқбой Эшонқулов. — Улар орасида АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Япония каби ривожланган давлатлар вакиллари бор эди. Ёшларимиз билдирилган ишончни оқлашганидан хурсандмиз. Бу мамлакатимизда навқирон авлодни қўллаб-қувватлаш, ўз иқтидор ҳамда салоҳиятини намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун яратиб берилаётган беқиёс имкониятлар мевасидир.

— Биз дунё цивилизациясида муҳим ўрин тутган буюк мутафаккирларнинг авлодларимиз, — дейди ёш истеъдод соҳиби Сарвар Шоюнусов. — Пухта билим олиб, аждодларимизга муносиб бўлишимиз, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган кадрлар сифатида шаклланишимиз учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Улардан унумли фойдаланишга интилмоқдамиз. Бундан кейин янада юксак марраларни эгаллаш учун ўқиш ва изланишда давом этамиз.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

**Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

**қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:**

Ёзги трикотаж ички кийимлар, трикотаж трусилар, оқ қўлқоплар, нур қайтарувчи «ЙПХ» нимчалари, матраслар, ёстиқлар, яримжунли одеяллар, фурнитура, «УСБ-56» палаткалари, «УСТ-56» палаткалари.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.**
**Талабгорлардан тендерда қатнашиш таклифлари эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб, 30 кун давомида қабул қилинади.**
**Ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали маълумот олиш мумкин:**
**0 10 998 (71) 255-75-12. Факс: 0 10 998 (71) 281-43-72.**

1122A/520

## «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» АЖ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун лойиҳа ташкилотлари ҳамда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун пудрат ташкилотлари ўртасида тендер ўтказилишини эълон қилади.

Тендерда фақат лицензияга эга бўлган ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

**Маълумот учун телефонлар:**
**(0-371) 230-20-39, 233-75-79.**

1098A/477

## Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***2017 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қабул эълон қилади.***

08.00.01 — «Иқтисодиёт назарияси»
08.00.02 — «Макроиқтисодиёт»
08.00.03 — «Саноат иқтисодиёти»
08.00.06 — «Эконометрика ва статистика»
08.00.07 — «Молия. Бухгалтерия ҳисоби»
08.00.08 — «Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти»
08.00.09 — «Жаҳон иқтисодиёти»
08.00.10 — «Демография. Меҳнат иқтисодиёти»
08.00.11 — «Маркетинг»
08.00.13 — «Менежмент»
09.00.04 — «Ижтимоий фалсафа».

Ҳужжатлар 2016 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

**Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:**

- Ўзбекистон тарихи;
- фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси;
- чет тили;
- мутахассислик фани.

**Қўшимча маълумотларни университетнинг илмий тадқиқот ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимидан олиш мумкин.**
**Телефонлар: (0-371) 239-27-09, 239-01-43, 239-29-57.**

1142A/522

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси

**очиқ тендер эълон қилади.**

Тендер савдосида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар) билан биргаликда, хорижий фирма ҳамда ташкилотлар, тендер асосида харид қилинаётган маҳсулотларни талаб даражаси ва ҳажмида етказиб бериш салоҳиятига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, ишлаб чиқарувчиларнинг ваколатли дилерлари иштирок этишлари мумкин.

1. Ишчи органи номи — «Sanoatneftegazmontajkonsalting» шуъба корхонаси.
   Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 98-уй.
   Телефонлар: (+99871) 120-40-15, 280-50-32. E-mail: sngmk@mail.ru
2. Тендер савдоси мазмуни — «ЗИЛ-130» ҳамда «ЗИЛ-131» русумидаги автомобиллар эҳтиёт қисмларини харид қилиш.
3. Етказиб бериш шартлари — етказиб бериш муддати ва тўлов шартлари тендер ҳужжатлари тўпламида қайд этилган.
4. Автомобиль эҳтиёт қисмлари учун максимал баҳо тендер ҳужжатлари тўпламида кўрсатилган.
5. Тендер бошлангунга қадар талабгорлар ўртасида малакавий танлов ўтказилади.
6. Тендер ҳужжатлари тўплами баҳоси — 200 АҚШ доллари. Маҳаллий етказиб берувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тўлов амалга оширилган кундаги курс бўйича. Тендер қатнашчиси учун закалат суммаси, банк реквизитлари тендер ҳужжатлари тўпламида кўрсатилган.
7. Талабгорлардан тендер таклифлари 2016 йил 2 сентябрь соат 18.00 га қадар ёпилган, муҳрланган конвертларда қабул қилинади.

**Тендер савдоси тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача юқорида кўрсатилган ишчи органи манзили ҳамда буюртмачининг (+99871) 235-62-77, 233-42-81, 235-20-98 телефон рақамларига мурожаат этиш мумкин.**

1136A/525

## «Universal realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан 2016 йил 18 февралдаги 353/3-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 25-уйда жойлашган, умумий майдони 443 кв. м. бўлган 4 қаватли бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 008 989 330 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 5 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 2 сентябрь куни соат 11.00.

Мазкур кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ҳамда санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй.**
**Телефон: (0-371) 150-35-55.**
**E-mail: universal.realtor@mail.ru**

1126R/609

Хизматлар лицензияланган.

## «Universal realtor» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 5 сентябрь куни соат 15.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани СИБ томонидан ФИБ Қўнғирот тумани судининг 2016 йил 18 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Хўжайли тумани, Феруз кўчаси, 113-уйда жойлашган, умумий майдони 592,6 кв. м. бўлган тураржой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 135 056 241 сўм.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal realtor» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204975228007, МФО: 00585, СТИР: 302269399.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 2 сентябрь куни соат 16.00.

**Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-уй, 2-қават, 9-хона. Телефон/факс: (+99861) 222-11-73.**
**www. realtor.uz E-mail: universal.realtor@mail.ru**

1152R/609

Хизматлар лицензияланган.

## «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Фарғона тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 25 мартдаги 15-1509/2553-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «7-сонли Ибрат» МФЙ, М. Қосимов кўчаси, 143-уйда жойлашган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 048 738 075 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 7 сентябрь куни соат 15.00 да ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 5 сентябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ҳамда санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000300433601012, МФО: 01123, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 21/1-уй. Телефон: (+998 95) 402-54-75.**
**www.emulk.uz, best.fergana@inbox.uz**

**БИЛДИРИШ!**

## «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали

томонидан газетанинг 2016 йил 8 июлдаги 132 (6567)-сонида чоп этилган эълондаги Қўқон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2010 йил 10 августдаги 2-58/10-сонли ижро варақасига асосан, очиқ аукцион савдосига қўйилган, Қўқон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 16-уйда жойлашган, «Истанбул» кафеси бино-иншоотларининг аукцион савдолари тўхтатилганлиги маълум қилинади.

***Асос:*** Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 22 июлдаги 5398/2-сонли хати.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 21/1-уй. Телефон: (+998 95) 402-54-75.**
**www.emulk.uz, best.fergana@inbox.uz**

1129R/421

# Миллий ўзликни англаш Ватанга муҳаббатни юксалтиради



*Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир.*

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мустақиллик туфайли музейлар фондида сақланиб келинган ноёб ва нодир экспонатлар яна юзага чиқди, уларни дунё халқларига намойиш этиш борасида салмоқли ишлар қилинди. Зеро, ҳар бир осориатиқа миллий ғурур ҳамда ифтихор манбаи, у озодлик тарихи ва халқимизнинг шонли ўтмишини ёдга солади, Ватанга муҳаббат туйғусини қанотлантиради. Ҳозир шу мақсадга хизмат қилувчи бутун бир тизим юзага келди, десак, муболаға бўлмайди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш, улар қалбига бой миллий мерос ва тарихий хотирани иззат-ҳурмат қилиш туйғусини сингдириш, ота-оналар бўш вақтини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2014 йил 11 июль куни "Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Ушбу қарорга биноан, давлат музейлари 18 ёшгача бўлган болалар учун сешанба ва жума кунлари бепул хизмат кўрсатади. Худди шунингдек, ҳар йили сентябрь ойида "Музейлар ҳафталиги" ўтказилиши ҳам анъанага айландики, бунда аҳолининг барча қатлами музейлар фаолияти билан янада яқинроқ танишиши мумкин.

Мустақиллик йиллари тарихий обидаларни тиклаш, таъмирлаш ҳамда асрабавайлаш масаласи давлат сиёсатининг узвий қисмига айланди. Мавжуд 7345 та осориатиқа давлат ҳимоясига олинди. Яъни 4124 та археологик, 2277 та архитектура, 657 та маҳобатли санъат асари ва 287 та диққатга сазовор жой моддий-маданий мерос намунаси сифатида муҳофаза қилиб келинади.

1991 йили Хивадаги "Ичан-Қалъа", 1993 йили Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, 2000 йили Шаҳрисабздаги Амир Темур ҳамда темурийлар даври меъморчилик обидалари, 2001 йили Самарқанд шаҳридаги тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди.

Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан 1996 йили Самарқанддаги Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, Бибихоним масжиди, Шаҳрисабзда эса Дорут-тиловат ва Дорус-саодат мажмуалари тубдан қайта таъмирланди. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик, Шаҳрисабз ҳамда Қарши шаҳарларининг 2700 йиллик, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик айёмларини кенг нишонлаш муносабати билан юзлаб тарихий обидалар ва осориатиқалар қайта жило топди. Бугун улар қадимий шаҳарларимиз кўркига кўрк, чиройига чирой бағишлаб турибди.

Айниқса, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Халқ амалий санъати музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи ихлосмандлар билан доимо гавжум. Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда Фарғона давлат музей-қўриқхоналари юртимизнинг кечаги куни ва бугуни ҳақида ҳикоя қилади. Наинки ватандошларимиз, балки чет эллик сайёҳлар ҳам бу масканларни катта қизиқиш билан томоша қиладилар. Музейларда сақланаётган бебаҳо мерос билан танишиш учун ҳар йили 3,5 миллиондан зиёд киши ташриф буюради.

Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида: "...инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади", дея таъкидланган. Бинобарин, бугун мамлакатимизда маънавий юксалишга хизмат қилаётган ислоҳотлар навқирон авлодни улуғ аждодларимиз хотираси билан ҳақли равишда фахрланиш, тинчлик, осойишталик ҳамда ободлик учун курашиш, мустақилликни қадрлаш ва Ватанни ардоқлаб яшашга ундаши билан янада аҳамиятлидир.

**Баҳодир АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири.**

# «Маҳалламиз паҳлавонлари»

## мусобақалари ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда

Истиқлол йилларида юртимизда спортни ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялаш ва оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

**БОЛАЛАР СПОРТИ**

Натижада нафақат шаҳарлар, балки олис қишлоқларда ҳам замонавий спорт мактаблари ҳамда мажмуалари қад ростлади, уларда маҳорати сайқалланган ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз нуфузини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Кейинги йилларда азалий қадриятларимиздан бўлган, ҳалоллик, бағрикенглик ва инсонпарварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган миллий курашимизни янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар алоҳида аҳамият касб этади. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Маҳалламиз паҳлавонлари" республика мусобақалари ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий кураш истиқлол туфайли қаддини тиклади ҳамда халқаро спорт тури сифатида қабул қилинди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Дилшод Усмонов. — Бу борада жойларда миллий курашни ривожлантириш учун яратилаётган шарт-шароитлар асосий омил бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Маҳалламиз паҳлавонлари" республика турнирининг бу борадаги ўрни, айниқса, юқори. Эътиборлиси, унда қатнашаётган ёшлар сони тобора кўпайиб бораяпти. Буни яқинда 13-14 ёшдаги ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган ушбу мусобақанинг ҳудудий босқичлари ҳам тасдиқлади.

**Андижон** шаҳридаги "Баркамол авлод" спорт мажмуида кечган кураш баҳсларида қуйи босқичларда иштирок этган 20 минг нафардан зиёд ўғил-қизлар орасидан саралаган энг иқтидорлилари қатнашди. Аҳоли ўртасида спортни кенг оммалаштириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, уларни жисмоний жиҳатдан бақувват, мустаҳкам иродали, ҳар томонлама етук этиб тарбиялаш мақсадида уюштирилган беллашувнинг вилоят босқичида 44 килограммдан 55 килограмм вазнгача бўлган ўғил-қизлар ўзаро куч синашди.

Якунда ўғил болалар ўртасида Избоскан тумани жамоаси биринчи, жалақудуқликлар иккинчи, Марҳамат тумани вакиллари учинчи ўринни эгаллади. Қизлар ўртасидаги беллашувда эса марҳаматликлар биринчи, Бўз туманидан ташриф буюрган ёш курашчилар иккинчи ҳамда Андижон шаҳри, Балиқчи, Олтинкўл туманилик спортчилар учинчи ўринга муносиб топилди.

— Бизнинг Балиқчи туманида болалар ва ўсмирларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди қиз болалар ўртасидаги беллашув ғолибаларидан бири Марварид Шодмоналиева. — Бир неча йилдан буён кураш билан мунтазам шуғулланаман. Бу юртнинг нафақат йигитлари, балки қизлари ҳам шижоатли эканлигини исботлашга интиламан. Бугунги баҳсда 44 килограмм вазн тоифасида муваффақият қозондим. Келгусида халқаро мусобақаларда ҳам ғалабага эришишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Бунинг учун астойдил интилаяпман.

Нукус шаҳрида бўлиб ўтган мусобақанинг **Қорақалпоғистон Республикаси** босқичида шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган 90 нафар ёш полвон қатнашди.

— Ушбу турнирнинг нуфузи йилдан-йилга ошмоқда, — дейди мусобақа ҳакамиi Жамшид Торебаев. — Дастлабки босқичларда жами 334 фуқаролар йиғинидан қарийб 4 минг 300 га яқин ўғил-қиз иштирок этгани ҳам ана шундан далолат беради. Бунда маҳаллаларимизда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга катта эътибор қаратилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Қизғин баҳслар якунида ғолиблар аниқланди. Унга кўра, Нукус шаҳри, Қораўзак, Нукус, Амударё, Мўйноқ, Қонликўл, Қўнғирот, Тахтакўпир, Кегейли ва Элликқалъа туманлари ёшлари пешқадамлик қилишди.

**Сурхондарё** — полвонлар юрти. Шу боисдан "Маҳалламиз паҳлавонлари" мусобақаси бу ерда янаям кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Унинг маҳаллалараро босқичида 875 нафардан зиёд ўғил-қизлар қатнашган эди. Термиз шаҳрида ўтган турнирнинг вилоят босқичида 84 нафар курашчи ўз вазн тоифасида гиламга чиқди.

Ўғил болалар ўртасида Шаҳбоз Сафаралиев, Муҳаммадали Турғунжонов ҳамда Беҳруз Абдураҳмонов зафар қучди. Қиз болалар мусобақасида эса Диёра Суюнова, Шаҳло Тошбоева, Моҳигул Бобомуродова муваффақият қозонди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида "Маҳалламиз паҳлавонлари" мусобақаларининг якуний босқичлари юқори савияда ўтказилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

ЭЪЛОНЛАР

ASAKA BANK

2016 йил 22 июлда

Fitch Ratings

халқаро рейтинг агентлиги

«АСАКА»
акциядорлик
тижорат банкининг

халқаро кредит рейтингини
кўтарди ва истиқболини

«БАРҚАРОР»

деб тасдиқлади.

Хизматлар лицензияланган.

1121R/10

IPOTEKA BANK

STANDARD & POOR'S
RATINGS SERVICES

2016 йил 26 июлда

«Standard & Poor's»

халқаро рейтинг агентлиги

«ИПОТЕКА-БАНК»

акциядорлик тижорат ипотека банкининг

"B+/B"

рейтингларини тасдиқлади.

Рейтинглар истиқболи

«БАРҚАРОР».

1089R/500

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 76 056 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6